

Мнемоника ва исломий билимлар



16:00 / 08.12.2023 3290

Бугунги кунда мнемоника атамаси билан юритилган эсда сақлаб қолиш маҳоратлари ўйлаб кўрсак қадимдан исломий билимларда жуда кенг кўламда қўллаб келинган экан. Оддий мисол жуда кўп исломий билимлар, жумладан, тажвид қоидалари, наҳв қоидалари, ҳадис илмларига оид асарлар, ақида матнлари ва бошқа кўплаб фанлар аксар ҳолларда ражаз баҳрида қофиядош мисралар билан ёзилган.

Мазкур матнлар оддий насрий услубда ёзилган асарлардан фарқли ўлароқ эсда олиб қолишни осонлаштирган. Ёшлигимизда илк тажвид фанидан дарс берган устозимиз изҳор ҳарфларини ёдлаб олишимиз учун Аллоҳ таоланинг қуйидаги исмларининг бош ҳарфи, уларни ёдлаб олинг дея ўргатган эди:

هـ
ح
ق
ل
ي
د

Мана шу олтита исми ёдлаб оласиз. Уларни жамлаб турадиган нарса барчасининг Аллоҳнинг исми эканлиги. Бу ҳам ёдлашни осонлаштиради. Чунки, пойинтар-сойинтар, бир-бирига алоқаси йўқ сўзлар эмас балки, асмои ҳуснодан бўлган олти исм. Демак, мантиқий боғланиш юзага келади. Бош ҳарфлари бўлган ҳамза (ء), ҳо (ح), ғайн (غ), хо (خ), ғайн (غ), хо (و) ҳарфлари эса яна бир номи ҳалқум ҳарфлари бўлган изҳор ҳарфларидир. Яъни, бу ерда маълумотни эсдан чиқмаслиги учун бошқа маълумотга боғлаб, ассоциациялаш ва эслаб қолишни қулайлаштириш мақсад қилинади. Мнемониканинг моҳияти ҳам шу. Маълумотларни қулай шаклда эслаб қолиш учун бир маълумотни эсдан чиқариш қийин бўлган бошқа маълумотга боғлаб қўйиш ва уни қисқартириб, осонлаштириш. Токи, хотирада камроқ жойни эгалласин.

Бошқа қоидаларнинг ҳам шундай осон услублари бор. Мисрлик машҳур қироат ва тажвид олими Сулаймон Жамзурий "туҳфатул атфол" китобида ихфо ҳарфларини ёдлаб олиш учун қуйидаги байтни келтиради. Ихфо ҳарфлари ўн бешта бўлиб мазкур байтда ишлатилган ҳар бир сўзнинг бош ҳарфидир:

“1م ا ط ء ع ض ي ق ت ي ف ذ ر ا ب ي ط م د *** ا م س د ق ص ح ش د ا ج م ك ا ن ت ا ذ ف ص”

Сарф фанида феъллар турли ҳосила бобларга кираётганда уларга орттириладиган ҳарфларни (ةداي ز ل ا ف و ح) олимлар ўнта ҳарфдан ошмаслигини аниқлаб, уларни "اهي نومتلأس" (мендан уларни сўраган эдингиз) ёхуд "هاسنت مويلا" (бугун уларни унутасан) иборасида жамлаганлар. Чунки, бу ибораларни эсда сақлаб қолиш жуда осон. Негаки, бунда онгимиз алоҳида ҳарфларни эслаб қолиш учун меҳнат сарфламайди. Балки, шунчаки, "اهي نومتلأس"ни ёдлаб олади. Керак вақтда уни эсга келтириб, унинг ичидан керакли ҳарфларни чиқариб олаверамиз. Бу гўёки, керакли файлларни алоҳида папкаларга жойлаб қўйишга ўхшайди. Энди маълумотни сиз эмас папка сақлайди. Фақат, керак вақтда мазкур папкани очсангиз кифоя.

Бунга ўхшаш мисоллар жуда кўп. Айтмоқчи бўлган нарсам, мнемоника бу эслаб қолиш санъатидир. Бу амалиёт ва тажриба ислом олимлари томонидан қадимдан қўллаб келинаётган нарса бўлиб, унинг номи фанну-

л-истизкордир. Мазкур амалиёт илмларни сақлашни осонлаштиради. Айнан шунинг учун ҳам матнлар аксар ҳолатда назмий услубда, қисқа иборалар билан ёзилган. Шарҳлар эса алоҳида китоб шаклида ёзилиб, мазкур матнларни очиб берган ва ҳоказо.

Бу зикр қилинганлар исломий билимларни эсда сақлаш ва кейинги авлодга етказишда олимларимиз мурожаат қилган мнемоник техникаларга оид тажрибанинг мингдан бири ҳам эмас. Дарёдан томчи деса ҳам бўлади.

Алишер Султонходжаев